

II. САНОАТ

2018 йил январь-мартида саноат маҳсулоти ҳажми 7104,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 108,5 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилда 3352,1 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-мартига нисбатан 97,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1432,7 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 1787,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-мартига нисбатан мос равишда 92,7 фоиз ва 101,2 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-март ойларида 1777,9 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2018 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	7104,9	108,5
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	309,6	13,2 м
<i>улардан:</i>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	292,4	99,8 м
Металл рудаларини қазиб олиш	-	-
Қайта ишлаш саноати	6147,5	104,9
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1045,5	74,6
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	572,6	110,0

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	333,5	96,2
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	253,9	101,7
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	32,1	100,0
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	646,0	101,5
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	178,3	91,4
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	233,9	104,3
Металлургия саноати	1072,9	151,7
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	271,4	104,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	461,0	98,7
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	186,8	116,7
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	3352,1	97,5
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	1432,7	92,7
ноозик-овқат товарлари	1787,4	101,2



Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан 2018 йилнинг 1-чорагида 7104,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,5% ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-март

2018 йил январь-март



- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулотитурларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь-март</i>	<i>2017 й январь- мартга нисбатан %</i>
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш			
Чақик тош (шебень)	<i>тн</i>	31424,9	178,9
Қайта ишлаш саноати			
Темирдан ёки легирланмаган пўлатдан болғаланган, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, кейин бошқа ишлов берилмаган бошқа чивиклар ва стерженлар, жумладан прокаткадан кейин калаваларга ўралган чивиклар	<i>тн</i>	1000	100,0
Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлган (юкори вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари	<i>тн</i>	354	171,8
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	<i>тн</i>	16904,9	77,1
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти	<i>минг.л</i>	3475	104,0
Арок	<i>минг.л 100% спирт</i>	3787,7	116,9
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	<i>минг. л 100% спирт</i>	81	97,0
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари)	<i>минг. л</i>	7344,1	118,6

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь-март</i>	<i>2017 й январь- мартга нисбатан %</i>
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	<i>минг.тн</i>	49018	94,3
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	<i>тн</i>	474	57,9
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	<i>тн</i>	1645	56,5
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	<i>тн</i>	3005	58,5
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	<i>тн</i>	2720	3,1 м
Иш кийими	<i>минг дона</i>	-	-
Китоблар, география хариталар, гидрографик ёки шу каби карталарнинг барча турлари, репродукциялар, чизмалар ва фотосуратлар, откриткаларни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>минг. сўм</i>	55224061,5	3,7 м
Газеталарни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>минг. сўм</i>	11671726	141,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	<i>минг Гкал.</i>	4232,9	91,3